НТ ТИ

ШАҲАР АТЛАРИ ОРГАНИ

№ 232 (723)

25 НОЯБРЬ ЯКШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Н. С. Хрушчев Вьетнам Демократик Республикасининг Элчиси Нгуэн Лонг Бангни қабул қилди (1-бет).

Н. А. Булганин Венгрия Халқ Республикаси элчиси Я. Болдоцкини қабул қилди (1-бет).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА (1-бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **И. Аҳмедов.** — Ҳисоботсайлов йиғилишида нималар очиб ташланди (2-бет).

А. Бобохонов. — Қурилишда меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим факторлари (2-бет).

Ҳарқандай об-ҳаво шароитида ҳам пахта тайёрлашни бўшаштирмайлик, кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ўтказайлик! (3-бет).

ОЧЕРК: **Усмон Жонгитов.** — Турсунбой, қойил қилдинг ука... (3-бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг XI сессияси (4-бет).

Франция Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми (4-бет).

Болгария телеграф агентлигининг раддияси (4-бет).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети кузги шудгорлаш юзасидан областлар, МТСлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1956 йил 11 ноябрдан 20 ноябргача бўлган якунини кўриб чиқиб **қарор қилдилар:**

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроқлари қуйидагиларга берилсин:

а) **Тошкент областига** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Нуритдинов,** область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Хўжаев,** область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Акрамов),** бу область ноябрнинг иккинчи ўн кунлигида 20,8 минг гектар ёки 9,3 процент ер ҳайдаган ва мавсум бошидан буён ер ҳайдаш йиллик планини 28,2 процент бажарган;

б) Тошкент областидаги **«Малик» совхозига** (совхоз директори ўртоқ **Очкарев,** бош агрономи ўртоқ **Романенко,** бош инженери ўртоқ **Мальцев,** партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Шоумаров,** ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Волина),** бу совхоз ноябрнинг иккинчи ўн кунлигида 12,9 процент ер ҳайдаган ва мавсум бошидан буён ер ҳайдаш йиллик планини 14,8 процент бажарган;

в) Тошкент область, **Қорасув районидаги МТСга** (МТС директори ўртоқ **Шомаев,** бош агрономи ўртоқ **Кан Ги Ен,** бош инженери ўртоқ **Ходоев,** МТС партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Зиёев),** бу МТС ер ҳайдаш планини 90,5 процент бажарган;

г) Тошкент область, Мирзачўл районидаги **2-МТСга** (МТС директори ўртоқ **Ткачев,** бош агрономи ўртоқ **Жунузбеков,** бош инженери ўртоқ **Назаров,** МТС партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Кабиров),** бу МТС мавсум бошидан буён 3774 гектар ер ҳайдаган, шу жумладан пахта майдони 1274 гектар ёки йиллик планга нисбатан 21,5 процент ҳайдалган;

д) Тошкент область, Қуйичирчиқ районидаги **1-МТСга** (МТС директори ўртоқ **Баҳодиров,** бош агрономи ўртоқ **Ли,** бош инженери ўртоқ **Когай,** МТС партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Балабат),** бу МТС ноябрнинг иккинчи ўн кунлигида 1596 гектар ёки 20 процент ер ҳайдаган ва мавсум бошидан буён ер ҳайдаш йиллик планини 67,9 процент бажарган;

2. МТСлар учун таъсис этилган тўртта кўчма Қизил Байроқ 1956 йил ноябрнинг иккинчи ўн кунлиги учун муносиб кандидат бўлмаганлиги сабабли берилмасин.

3. Ўзбекистон ССР Молия министрлигига ҳар ўн кунликда илғор областларга бериш учун 10 минг сўм, илғор МТСларга бериш учун 2 минг сўм миқдорида пул ажратиш вазифаси юклатилсин.

Мамлакат колхозлари пилладан юқори ҳосил олдилар

Мамлакатнинг колхозлари пилладан юқори ҳосил йиғиштириб олдилар. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг дастлабки маълумотларига кўра, мамлакат колхозлари давлатга 28 минг тоннадан кўпроқ пилла топширганлар. Бу миқдор ўтган йилда топширилган пилладан қариб 4 минг тонна кўпдир. Ўзбекистон республикаси катта ютуқларга эришди. Бу республика ўтган йилдагига қараганда, қариб 3,5 минг тонна кўп пилла тайёрлади. Қозоғистон, Молдавия, Қирғизистон ва Туркманистон республикалари ҳам пилла топшириш планини ошириб бажардилар.

Бу йил мамлакатда пиллачилик ривожлана бошлагандан буён энг кўп пилла олинди. Унинг сифати ҳам яхшироқ. Совет селекциячилари томонидан етиштирилган оқ пилла берадиган қурт уруғлари ҳамма ерда кенг тарқалди. Боқилган қурт уруғларининг ярмидан кўпроқ қисми ана шу оқ пилла берувчи қуртлар эди. Озарбайжон пиллачилари нуқул оқ пилла қурти боқдилар.

Яқин икки-уч йил ичида барча пилла етиштирувчи асосий районларда пилла қуртларининг ана шундай зотини боқишга ўтилади. Бу тадбир мамлакатга катта иқтисодий фойда келтиради. Янги пилла зоти ипак беришга жиҳатидан эски зотлардан анча устун туради ва улар ҳар қандай бўёқ билан безатилгаладиган қимматли оқ газлама берадилар. (ТАСС).

Оҳангарон ГРЭСи учун кучли пар турбинаси

ЛЕНИНГРАД, 23 ноябрь. (ТАСС). Бугун металл заводида юз минг киловатт қувватга эга бўлган ва модернизация қилинган юқори босим турбинасини стендда синаб кўриш тамомланди. Бу турбина Ўзбекистон ССРдаги Оҳангарон ГРЭСи учун мўлжалланган.

А. Кузьмин, В. Зайцев ва бошқаларнинг слесарлар бригадалари бу турбинани қисқа вақт ичида йиғдилар. Ленинградлилар ана шу турбина билан йил бошидан буён ана шундай қувватга эга бўлган турбиналардан 11 тасини тайёрладилар.

ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОВЕТ КОМИТЕТИДА

Атом ва водород қуролини тақиқлаш юзасидан шу йил август ойида Нагасакида бўлиб ўтган иккинчи халқаро конференцияда 1945 йилда Японияннинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларида атом бомбасидан зарар кўрган кишиларга ёрдам бериш масаласи муҳокама қилинган эди. Сўзга чиққан делегатлар, шу жумладан атом бомбаси қурбонлари зарарланган кишиларнинг оғир аҳволда қолганлигини гапириб бердилар. Конференция қатнашчилари чет мамлакатлардаги тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг қатнашчиларига мурожаат қилиб, атом бомбаси қурбонларига моддий ёрдам кўрсатишга чақирдилар. Бу чақириқ Хитой Халқ Республикаси, Жаҳон касаба союзлари федерацияси, хотин-қизлар жаҳон демократик федерацияси ва яна тўртта бошқа халқаро ташкилотлар томонидан, шунингдек бошқа чет эл делегацияларининг ҳаммаси томонидан қўллаб қувватланди.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг президиуми атом бомбаси қурбонларига ёрдам кўрсатиш фондига Совет Иттифоқи тинчлик тарафдорлари номидан 80 минг сўм миқдорида пул топшириш ҳақида қарор қабул қилди. Бу пул атом ва водород қуролларини тақиқлаш учун кураш олиб борувчи Япония кенгаши номига юборилди.

* * *

Японияннинг турли жамоат ташкилотлари, шу жумладан тинчликни ҳимоя қилиш Япония комитети, бир қанча касаба союзлари ва сиёсий партиялар, маданият арбоблари жамиятининг ташаббуси билан Японияда Японияннинг машҳур жамоат арбоби, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти лауреати профессор Икуо Ояманинг хотирасини абадийлаш уюшмаси ташкил этилди. Уюшма составига Япония аҳолиси барча табақаларининг вакиллари кирди. Уюшма Ояма хотираси фонди тузди ва ўзининг бутун кучқувватини тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга бағишлаган Икуо Ояманинг хотирасини абадийлаш соҳасидаги бир қанча тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағни тўплай бошлади.

Мазкур ассоциация Икуо Ояманинг хотирасини абадийлаш соҳасидаги тадбирларни амалга оширишга иштирок этиш тўғрисида бошқа бир қанча мамлакатларнинг тинчлик тарафдорларига ҳам мурожаат қилди.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг президиуми профессор Икуо Ояманинг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда совет ва япон халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишидаги хизматларининг муҳимлигини ҳисобга олиб, Совет Иттифоқи тинчлик тарафдорлари номидан Икуо Ояма фондига 15 минг сўм миқдорида пул топшириш тўғрисида қарор қабул қилди. Икуо Ояманинг хотираси совет кишиларининг қалбида узоқ яшайди.

СССР кабель саноати резиначиларининг кенгаши

СССР Кабель саноати резиначиларининг Тошкентда чақирилган кенгаши 23 ноябрда тамом бўлди. Кенгашда Тошкент, Ленинград, Киев, Харьков, Москва, Свердловск, Уфа ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги кабель заводларининг инженерлари ва ишлаб чиқариш новаторлари, кабель саноати илмий-текшириш институтининг ходимлари, Ўзбекистон олимлари қатнашдилар.

Кенгаш «Главкабель» бош инженери М. А. Павловнинг доклади билан очилди. У мамлакатдаги кабель заводлари коллективларининг резина изоляцияли симлар ва кабеллар тайёрлашнинг янги техникасини ўзлаштириш соҳасида 1957 йилги вазифалари тўғрисида гапирди.

Кабель саноати илмий-текшириш институти Тошкент филиали директорининг ўринбосари А. Г. Андреевнинг доклади катта қизиқиш билан тингланди. У айтдики, «Ташкенткабель» заводи ер қазиш ва конда ишлайдиган машиналар учун, гидротехника иншоотлари қурилишида, металлургияда ва саноатнинг бошқа тармоқларида, шунингдек граждан қурилишида ишлатиладиган агрегатлар учун оғир шлангали кабеллар ишлаб чиқариш юзасидан мамлакатда ягона корхона ҳисобланади. У қуйидагиларни ҳам маълум қилди: сўнгги уч йил ичида институтнинг Тошкент филиали ва «Ташкенткабель» заводининг коллективи томонидан шлангали юқори вольт кабелларининг прогрессив конструкциялари ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бу кабеллардан халқ хўжалигида тобора кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

Келаси йилда бу кабелларни ишлаб чиқариш 1955 йилдагига нисбатан икки ҳиссадан ҳам зиёдроқ кўпаяди.

1955 йилда қабул қилиб олинган технологик бўйича кабель тайёрлаш учун ўрта ишларидан кейин кўп қўл меҳнати сарфланарди, қўрғошин унумсиз сарфланарди. Ана шу нуқсонларни тугатмоқ учун оғир шлангали кабелларни вертикал типдаги агрегатларда узликсиз вулканизация қилиш проекти ишлаб чиқилди. Бироқ, бу проект ҳам мукаммал эмас эди. Агрегатдаги баъзи узелларнинг вазни жуда оғир эди, вулканизация трубасининг айлантириш устунчалари жуда мураккаб эди ва уларни мустаҳкамлаш учун кўп миқдорда металл талаб қилинар эди.

Тошкент филиалининг илмий ходимлари «Ташкенткабель» заводининг инженерлари ва новаторлари билан биргаликда бу масалани ҳал қилишнинг тўғри йўлини топиб, узлуксиз вулканизация қиладиган АНВ-3 деган ва вулканизация трубалари горизонталь жойлашган агрегат проектини тузиб чиқдилар ва уни қурдилар.

Янги агрегат қурилганлиги натижасида 18 киши бошқа ишларга бўшатиб берилди ва йилига 133 тоннага яқин қўрғошин тежалади. Бундан ташқари кўп миқдорда маблағ ҳам тежалди, вулканизация қилиш вақти кескин даражада камайтирилди.

Музокараларда сўзлаган «Главкабель» техника бўлими бошлиғининг ўринбосари А. Е. Саакян, «Укркабель» заводи бош инженерининг ўринбосари Н. В. Левковский, «Севкабель» заводининг инженери И. С. Либерман ва бошқалар Тошкент кабелчиларининг иш натижалари катта қизиқиш туғдираётганлиги тўғрисида гапирдилар. Тошкентлик кабелчилар томонидан яратилган кабелни узлуксиз вулканизация қилиш агрегати мамлакатдаги бошқа корхоналарда кенг миқёсда қўлланилади. Улар ўз сўзларида узлуксиз вулканизация қиладиган агрегатнинг конструкцияларини унификациялаш ва монтаж қилиш ҳамда кабель саноати корхоналарини махсуслаштириш масалалари тўғрисида батафсил гапирдилар.

«Электропровод» заводининг бош энергетики А. М. Белоцерковский, «Севкабель» заводи 2-цехининг бошлиғи Л. С. Корабельников, «Укркабел» заводи резина ва пластмасса лабораториясининг бошлиғи Т. И. Любимова ва бошқалар маҳсулот сифатини ошириш йўллари тўғрисида ҳамда узлуксиз вулканизация қилиш агрегатларида кабель симлар тайёрлаш вақтида бўладиган чиқитларга қарши кураш, электропровод схемалари, махсус машиналарни автоматлаштириш тўғрисида гапирдилар.

Кенгаш қатнашчилари кабель ишлаб чиқаришни янада механизациялаш ва автоматлаштириш, узлуксиз вулканизация қилиш агрегатларини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни белгиладилар.

Мамлакатдаги заводларнинг вакиллари «Ташкенткабель» заводининг цехларига экскурсия қилдилар ва автомат прокат станнинг ишлаши билан, шу корхонада яратилган узлуксиз вулканизация қилиш агрегати билан танишдилар. (ЎзТАГ).

Н. С. Хрушчев Вьетнам Демократик Республикасининг Элчиси Нгуэн Лонг Бангни қабул қилди

23 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев Вьетнам Демократик Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Нгуэн Лонг Бангни қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. (ТАСС).

Н. А. Булганин Венгрия Халқ Республикаси Элчиси Я. Болдоцкини қабул қилди

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин 24 ноябрда Венгрия Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Я. Болдоцкини қабул қилди.

Элчи Совет Иттифоқининг венгер халқига озиқ-овқат билан ёрдам берганлиги ва бошқа моддий ёрдам кўрсатганлиги учун Венгрия Халқ Республикаси Ҳукуматининг ташаккурини билдирди.

Н. А. Булганин Вьетнам Демократик Республикасининг Элчиси Нгуэн Лонг Бангни қабул қилди

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин 24 ноябрда Вьетнам Демократик Республикасининг фавқулодда ва Мухтор Элчиси Нгуэн Лонг Бангни қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. (ТАСС).

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари учун қуйидагилар область **Хурмат тахтасига** ёзиладилар:

№№	Звено, бригада ва совхозларнинг бўлимлари	Звено, бригада ва бўлим бошлиқларининг исми, фамилияси	Социалистик мажбуриятнинг бажарилиши (центнер ҳисобида)	Қўшимча олган мажбуриятга
	ГУЛИСТОН РАЙОНИ			
1.	Фрунзе номли колхознинг бригадаси	Эрматов Қулбек	31,1	6
2.	Фрунзе номли колхознинг бригадаси	Бобоёров Миқлибой	27,8	5
3.	Фрунзе номли колхознинг звеноси	Нодиров Эгамқул	31,0	9
4.	Андреев номли колхознинг бригадаси	Бобоқулов Ирисбой	32,0	5
	ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ			
1.	«ЎзССР беш йиллиги» совхозининг бригадаси	Маллабоев Алим	25,5	4
2.	«ЎзССР беш йиллиги» совхозининг бригадаси	Пўлатов Муслиджон	25,5	3
	КАЛИНИН РАЙОНИ			
1.	Молотов номли колхознинг бригадаси	Имомалиев К.	33,5	4,5
2.	Молотов номли колхознинг бригадаси	Юсупов А.	33,5	4,5
3.	Молотов номли колхознинг бригадаси	Дўсмуҳамедов К.	33,5	2,5
4.	Молотов номли колхознинг бригадаси	Содиқов М.	27	4
5.	Молотов номли колхознинг бригадаси	Дўстов Б.	34,2	3,8
6.	Молотов номли колхознинг бригадаси	Муҳаммаджонов А.	34,5	1,5
7.	Молотов номли колхознинг бригадаси	Эгамбердиев Ш.	30,7	3
	ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ			
1.	«III интернационал» колхозининг бригадаси	Дебердеева Х.	26,0	4,0
2.	Андреев номли колхознинг звеноси	Талапбоев Т.	35,8	5,0
3.	Сталин номли колхознинг звеноси	Нурматова А.	35,0	5,0
4.	Сталин номли колхознинг звеноси	Худойберганов Ў.	35,0	3,0
	ВЕРХНЕ-ВОЛИНСК РАЙОНИ			
1.	Куйбишев номли колхознинг бригадаси	Йўлдошев Жонибек	30	6
2.	Куйбишев номли колхознинг бригадаси	Ғозиев Абдуҳамид	27	5
3.	Куйбишев номли колхознинг бригадаси	Эшматов Нормурод	27	7
4.	К. Маркс номли колхознинг бригадаси	Бадалов Жаҳон	39	6
5.	К. Маркс номли колхознинг звеноси	Субҳонов Шариф	44	6
6.	К. Маркс номли колхознинг звеноси	Муҳаматнев Шариф	42	8
7.	К. Маркс номли колхознинг звеноси	Аҳмедов Закрия	42	3

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1956 йил 24 ноябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Бўстонлиқ	0,28	113,68	Верхне-волинск	0,28	97,43
Пискент	0,25	110,58	Калинин	0,54	96,63
Оржоникидзе	0,29	110,45	Оҳангарон	0,34	94,67
Юқори Чирчиқ	0,18	110,18	Бекобод	0,47	93,22
Ўртасарой	0,30	105,74	Қуйи Чирчиқ	0,29	93,13
Сирдарё	0,25	103,57	Чиноз	0,25	92,71
Октябрь	0,49	101,22	Янгийўл	0,36	92,48
Мирзачўл	0,04	100,59	Оққўрғон	0,34	92,06
Гулистон	0,09	100,18	Боёвут	0,31	88,98
Бўка	0,55	100,06	Ўрта Чирчиқ	0,29	88,54

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1956 йил 24 ноябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Совхозлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
«Малик»	0,25	101,46	4-«Бревский»	0,35	80,70
6-«Кўқорол»	0,69	94,76	1-«Далварзин»	0,32	79,97
2-«Далварзин»	0,47	94,04	4-«Боёвут»	0,39	79,75
«ЎзССР беш йиллиги»	0,29	93,13	«Дружба»	0,09	61,14
3-«Боёвут»	0,29	90,55	1-«Фарҳод»	0,11	60,30
1-«Боёвут»	0,32	86,97	Бушуев номли	0,26	59,01
«Оққўрғон»	0,40	85,03	Булганин номли	—	58,69

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Ҳисобот-сайлов йиғилишида нималар очиб ташланди

9-шахта Оҳангарон шаҳридаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Шахта коллективи КПСС XX съезди қарорларини амалга ошириш ва мамлакатга тобора кўпроқ кўмир етказиб бериш учун курашиб, ишлаб чиқаришда яхши муваффақиятларга эришмоқда. Шахта партия ташкилоти ишлаб чиқаришга раҳбарликни кучайтириб, коллективни олтинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1956 йил топшириқларини ошириб бажариш учун курашга тобора кенг сафарбар этаётир. Қазиб чиқарилаётган кўмир сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш, кончилар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш каби муҳим масалалар партия ташкилотининг доим диққат марказида турмоқда.

Кончилар бутун имкониятлардан фойдаланган ҳолда ишлаб, 9 ойлик планни 111,2 процент, шу жумладан сентябрь ойи планини 122,6 процент бажаришга муваффақ бўлдилар. Улар, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги кунини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида социалистик мусобақани кенг қизитиб, 10 ойлик топшириқни ҳам муддатидан бир ҳафта олдин бажардилар ва пландан ташқари мингларча тонна кўмир қазиб чиқардилар.

Уп ой ичида меҳнат унумдорлиги 24,5 процент ошди, қазиб чиқарилаётган ҳар бир тонна кўмирнинг таннархи қариб 2 сўм 50 тийин камайтирилди ва бу давлатнинг 1 миллион 670 сўм маблағини иқтисод қилиш имкониятини берди.

Коммунистлар ишлаб чиқаришда авангардлик ролини ўйнамоқдалар. Исроилов, Глонушкуров, Примқулов, Файзуллин, Мирзаев, Ҳасанов ўртоқлар каби ўнлаб коммунистлар смена нормасини доим бир ярим баравар ва ундан ҳам ошириб бажармоқдалар. Шахта партия ташкилоти кончилар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтиришга, коммунистларнинг сиёсий ва иқтисодий билимини оширишга ҳам алоҳида эътибор берди. Участка ва цех партия группаларининг иши устидан доимий контроль олиб борди.

Шахта партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳисобот доклади қилган шахта партия бюросининг секретари ўртоқ Ҳ. Қодиралиев ва музокараларда чиқиб сўзлаган коммунистлар эришилган ана шу муваффақиятларни қайд қилиш билан бирга, ишда жиддий камчиликлар ҳам борлигини кўрсатдилар.

— Мен,—дейди контроль бўлимининг мастери ўртоқ Олейников,— 40 йилдан буён шахталарда ишлайман. Ер остидан кўмир қазиб чиқариш мураккаб иш. Бунда механизмлар катта роль ўйнайди. Лекин шахта партия ташкилоти кўмир қазиб чиқаришни кўпроқ механизациялаштиришга етарли эътибор бермаётир. «Узбекуголь» трестининг раҳбарлари (бошқарувчиси Савченко, бош инженери Соловьев ўртоқлар), ҳам бу муҳим масала билан яқиндан шуғулланмаётирлар. Улар бизнинг эҳтиёжларимизни тўла қондирмаётирлар. Трест раҳбарлари шахтага кам келадилар, ишдаги камчиликлар билан тўла танишмайдилар.

Механика цехининг бригадири ўртоқ Бобров партия бюросида партия ички демократиясига хилоф иш тутиш, ленинча коллектив раҳбарлик принципларини қўпол равишда бузиш ҳоллари содир бўлганлигини кўрсатиб ўтди.

— Партия бюросида,—деди у,— муҳокама қилинадиган масалалар кўпинча партия бюросининг секретари Қодиралиев, шахта бошлиғи Маев, касаба союз комитетининг раиси Давидович ўртоқларнинг иштирокида кўрилади. Бу мутлақо нотўғри. Бюро йиғилишида бирон масала муҳокама қилинганида барча бюро аъзолари ўз фикрларини айтишлари, амалий таклифлар киритишлари, шу билан бир қаторда конкрет тадбирлар белгилаган ҳолда қарор қабул қилишлари керак. Бунинг учун эса бюро йиғилишида барча бюро аъзолари қатнашиши лозим.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, бюро аъзолари асосан раҳбар ходимлардан иборат. Улар орасида ишчилар жуда кам. Натижада муҳим масалаларни раҳбарларнинг ўзлари ҳал қилиб, ўзлари қарор қабул қиладилар. Бу ҳақда коммунистлар, оддий ишчилар ва инженер-техник ходимлар хабардор қилинмайди. Шунинг учун ҳам қабул қилинган қарорларнинг кўпи бажарилмай қолади.

— Агар сиз,—деди 4-участканинг мустаҳкамловчиси ўртоқ Сафронов, —шахта ишидаги бирон камчилик тўғрисида «Узбекуголь» трести раҳбарларига гапирсангиз, улар ёрдам бериш ўрнига, қўл силтайдилар. Участкалардаги транспортер лентали эскириб қолган. Бу ҳақда кўп гапиридик. Аммо трест раҳбарлари бу масалага ҳамон этибор бермай келаётирлар. 1-участка айрим вақтлар бўш вагонлар йўқлигидан бир неча соатлаб тўхтаб қолади. Техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бор.

Раҳбар ходимлар орасида шундай кишилар борки, улар ишчилар билан қўпол муомалада бўладилар. Масалан, шахта бош инженерининг ёрдамчиси коммунист ўртоқ Ортиқов кончилар билан ана шундай муносабатда бўлади. Шахта партия бюроси эса бундай коммунистларни тартибга чақирмади.

Шахта нормалаш бўлимининг бошлиғи ўртоқ Азимов ўз сўзида нормалаш масаласига тўхталди. У, касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Давидовичнинг бу соҳада хаталарга йўл қўйганини кўрсатди.

Шахта бош инженери ўртоқ Мавашевнинг сўзи коммунистларни сира ҳам қаноатлантирмади. У, рационализаторлар билан қандай иш олиб борилаётганлиги ҳақида бир оғиз ҳам гапирмади. Шунингдек, у техника прогрессини ривожлантириш ва илғор технологияни жорий қилиш соҳасидаги камчиликларни танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташлаш ўрнига, нуқул ютуқлар тўғрисида сўзлаш билан чегараланди.

Шунингдек, музокаларда шаҳар партия комитетининг секретари Бадигин, 3-участка бошлиғи Панов ва бошқа ўртоқлар ҳам чиқиб сўзладилар.

Йиғилишда партия бюросининг янги состави сайланди ва ишдаги камчиликларни бартараф қилиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланиб, кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

И. АҲМЕДОВ.

Раҳбар ходимлар учун семинарлар

Тошкент саноат корхоналари, транспорт ва қурилишларнинг коллективлари КПСС XX съезди қарорларини амалга ошириш учун курашиб, ишлаб чиқаришда янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Лекин саноат, транспорт ва қурилишда янада янги муваффақиятларга эришиш, ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилишни тинмай такомиллаштириш, раҳбар партия, хўжалик ва техника ходимларининг сиёсий ҳамда иқтисодий билимларини кун сайин ошириб боришни тақоза қилади.

Шуни ҳисобга олиб шаҳар партия комитети саноат корхоналарининг, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг раҳбар ходимлари учун конкрет экономикани ўрганиш юзасидан семинарлар ташкил этди. Оғир саноат экономикасини ва енгил саноат экономикасини ўрганиш бўйича алоҳида-алоҳида семинарда машғулотлар ўтказилади. Бу икки семинарда саноат корхоналари директорлари, бош инженерлари ва партия ташкилотининг секретарларидан ҳаммаси бўлиб 85 киши ўқийди.

Шунингдек, қурилиш экономикасини ўрганиш семинарида қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари ва партия ходимларидан 72 киши, транспорт экономикасини ўрганиш семинарида эса 52 киши ўқийди.



Мирзачўл шаҳридаги болалар кутубхонаси 14000 дан ортиқ ҳар хил адабиётга ва 500 га яқин китобхонга эга. Бу ерда китобхонларга маданий хизмат қилиш яхши йўлга қўйилган. **Суратда:** Кутубхона мудири ўртоқ **А. Унжина** китобхонларга янги келтирилган адабиётлардан олиб бермоқда. **А. Палехов** фотоси.

ЯНГИ МАДАНИЯТ УЙИ

Чирчиқ шаҳридаги «Средазхиммаш» заводи ишчилари учун қурилган янги Маданият уйи яқинда ишга туширилди. Маданият уйининг биноси архитектура жиҳатидан ғоятда чиройли ва кўркам ишланган. Бинонинг деворлари ва шипи Шарқ усулидаги орнаментлар билан қопланган. Бу ерда 500 киши сиғадиган томоша зали, ўқиш зали ва ҳар хил тўгараклар учун мўлжалланган 6 та хона бор. Шунингдек, танца-драма, хор коллективлари ташкил қилинган.

Маданият уйининг тантанали очилиш маросимига бағишланган кечада Ўзбекистон давлат эстрадаси артистлари ижросида катта концерт қўйиб берилди.

Маданият уйи машинасозларнинг севимли жойига айланиб бормоқда.

Г. ВЛАДИМИРОВ.

Редакция почтасидан

„Йигит деган сал саҳий бўлади-да...“

Шундай одамлар тоифаси ҳам бўладики, улар безрайиб турсанг, оғзи қора, қорани оқ деб туравердилар. Шунда кўпинча бундай бетиҳисларни кўриб ҳеч нарса демайсан-у, фақат боре, деб ўз йўлингга кетаверасан, тўғриси улар билан ал-бали қилиб ўтиришни ўзингга эп кўрмайсан...

Педагогика институтининг III курс студенти Ш. Бойманов ана шунақа одамларга дуч келиб қолганда, ҳалигидай «боре» деб кетаверадиганлардан эмас экан. Дарвоқи ўзингиз бир ўйлаб кўринг, кўзингизни мошдек очиб, оғзингиздаги ошингизни тортиб олиб, бир ямлаб еб юборяётган олғирни кўрсангиз-у, индамай қараб туравересангиз! Студент 6 сўм 30 тийин ўрнига уялмай-нетмай 7 сўм олган официантка Валентина Токареванинг виҳсофсизлигини фош этиб ташлашга жазм қилди.

— Опа, — деди студент, елиб-югураётган официанткага қараб, — мендан нега 7 сўм олдингиз, Ахир 6 сўм 30 тийин ҳақ олишингиз керак эди-ку! Ҳар кишидан 70 тийиндан олиб қолаверсангиз, итингизнинг туваги олтиндан бўлиб кетади-ку!..

Шоаҳмед Бойманованинг бу сўзлари официантка Токареванинг пинагини ҳам бузмади. Лекин нима учундир бирданига газаби ошиб, қўполлик билан ҳужумга ўтди.

— Бунақанги зихна йигитни биринчи кўришим-а? Савлатингга қилиғинг ярашмайди, ука. Йигит деган сал саҳий бўлади-да...

Гапнинг қисқаси клиент Бомайнов ҳам изза бўлишдан қочиб «ке е, арзимаган 70 тийин учун ота гўри қозихонами», деди-ю, аввали шахтидан қайтиб ошхонадан чиқиб кетди.

Яқинда Октябрь район ресторанлар трестига қарашли Бешёғоч бозори ичидаги 6-ошхонада қизиқ ҳамгомалар бўлиб ўтди. Биз бўлган воқиаларнинг ўндан бирини ҳикоя қилиб бердик, холос.

Бу ерда овқатлар менюда кўрсатилган нархдан ошириб сотилаётир. Кавобпаз Юнусов бир сих кавоб учун 1 сўм 85 тийин ўрнига 2 сўмдан олиб, меҳнаткашлар ҳақига хиёнат қилаётганида қўлга тушди. Клиентлардан бир неча киши тўпланиб унинг устидан акт тузмоқчи бўлганларида у фамилиясини айтишдан бош тортди ва ишини йиғиштириб қаёққадир жўнаб қолди. Шундан сўнг 9-милиция бўлимининг хизматчиси Кологресв, «Октябрь 30 йиллиги» артелининг ишчиси Ф. Олимова, молия-иқтисод институтининг студенти Алимов ва бошқалар шикоят қилиш учун ошхона мудирининг кабинетига кирдилар. Аммо ошхона мудири ҳам қаёққадир ғойиб бўлипти. Клиентлар шикоят дафтарини сўраб ололмадилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, ошхонада пиширилаётган овқатларнинг сифати паст, хиллари кам, нархи эса анча баланд.

Совет савдоси қоидаларини бузиб, суиистеъмол қилаётган Токарева ва Юнусов каби юлғичлар қачонгача халқ ҳақига хиёнат қиладилар?

А. АБДУАЗИМОВ.

Қурилишда меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим факторлари

КПСС XX съезди Директиваларида бинокорлик саноати ходимлари олдига қурилиш ишларини ҳамма чоралар билан яхшилаш, қурилишда меҳнат унумдорлигини олтинчи беш йиллик давомида камида 52 процент ошириш вазифаси қўйилган. Совет бинокорлари бу вазифани муваффақият билан бажариш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар.

Барча йирик шаҳар ва саноат марказларида қурилиш индустрияси корхоналари; йирма темирбетон заводлари, полигонлар, ёғочсозлик заводлари, қоришма ва бетон ишлаб чиқарувчи юқори даражада механизациялашган заводлар, карьерлар мавжуддир. Бинокор ишчилар, инженер-техниклар, архитектор ва проектчилар коммунизм қураётган халқимизнинг диди ва талабларига мос биноларни, кўркам кўча ва шинам парклари кўплаб яратиш соҳасида ғайратларигағайрат қўшиб ишламоқдалар. Бу соҳада улар йилдан-йилга катта муваффақиятларни қўлга киритаётирлар.

Бироқ ҳали қилишимиз керак бўлган ишлар жуда кўп. Республикамизда, жумладан Тошкентда олтинчи беш йилликда капитал қурилишлар учун ҳар қачонгидан ҳам беқиёс даражада кўп капитал маблағ ажратилган. Буларни ўзлаштириш бинокорларимизнинг шарафли бурчидир. Бу бурчни муваффақиятли равишда бажаришнинг асосий ва ҳал қилувчи шарти қурилишда меҳнат унумдорлигини оширишдир. Қурилишларни индустриал методда олиб бориш меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий шартидир. Республикамизда ва унинг пойтахтида бу соҳада ҳали катта камчиликлар мавжуд.

Кўпгина биноларнинг ва иншоотлар ҳозирги замон илғор қурилиш техникаси ва технология процесслари талабига мос келмайдиган тарзда, қолоқ, кустар методлар билан қурилмоқда. Бу — қурилиш индустриясини ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида жиддий гов бўлиб турипти. Бундай усулда қурилган бино кеч битади, пухта бўлмайди ва қимматга тушади. Қуйбишев кўчасида қурилаётган канон йигирув-тўқув фабрикасининг 39 квартирали уй-жой биносини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Бу объектнинг қурилиши 1953 йилнинг биринчи кварталида бошланган эди. Шунча вақтдан бери смета баҳосининг 77 процента миқдорида иш бажарилди, холос. Богдан Хмельницкий кўчасида шаҳар уй-жой бошқармаси томонидан қурилаётган 31 квартирали уй-жой биноси қурилиши ҳам қариб тўрт йилдан бери битказилмайди. Бу ерда қурилиш ишларининг атиги 15 процента бажарилди. Бийск тупигида Гидромелиоратив техникум биноси қурилиши 1951 йилдан бери чўзилиб ётибди. Бу объектлар кустар усулларда чидаб бўлмайдиган даражада секин қурилаётир.

Кўпгина катта-катта биноларнинг қурилиши 4-5 ва ундан кўп йилларга чўзилиб кетишига проектчилар ҳам айбдордир. Чунки проектчилар ҳали ҳам мураккаб, уникал, жуда кам такрорланадиган деталь ва конструкциялар ишлатишни кўзда тутадиган индивидуал проектларни ишлаб чиқмоқдалар. Бундай проектлар қурилиш ишларини ривожлантиришга имкон бермаётир. Тошкентда қурилаётган газета-журнал комбинати, Ўрта Осиё политехника институти кончилик факультетининг ўқув корпуси, СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Тошкент вакцина ва сиворотка институти биноси ва бошқа объектлар қурилиши ана шундай индивидуал проектлар асосида қурилаётганлиги учун тез битмаётир.

Катта ҳажмдаги қурилиш ишларида индустриал методларни қўлланишга тўсиқ бўлаётган индивидуал проектлардан воз кечмай туриб, жиддий муваффақиятга эришиш мумкин эмаслиги ҳозирги пайтда ҳаммага маълум бўлиб қолди.

Сўнгги 2-3 йил ичида Тошкентда бинокорлик ишларини индустрлаштириш соҳасида бирмунча ишлар қилинди. Жумладан, қурилиш ташкилотлари ихтисослаштирилди ва йириклашди. Йилига ўн минг кубометр темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод, 12 минг кубометр керамзит ишлаб чиқарувчи завод, ўн ярим миллион кубометр темир-бетон конструкциялар ва деталлар ишлаб чиқарадиган полигон типидаги завод қуриб битказилди ҳамда ишга туширилди. Ҳозирги пайтда ёпқич-плита ишлаб чиқарадиган 3 та катта темир-бетон заводи, йилига 60 миллион дона ғишт ва керамика блоклари ишлаб чиқарувчи завод, қум ва шағал карьери, керамика заводи каби бир неча бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилаётир.

Индустриал конструкцияларни қўлланиш бино оғирлигини камайтириш ва бинобарин унга сарфланадиган материалларни тежаш имкониятини беради. Агар кўп қаватли бино деворининг ҳар бир кубометри 550-600 килограмм бўлса, у ғишт ўрнига йирик блоклардан қурилганида худди шу ҳажмнинг оғирлиги 450-500 килограмм бўлади. Йирик панеллардан қурилган бино деворининг ҳар кубометри эса 250-300 килограммдан ошмайди. Индустриал методлар асосида қуриладиган тўрт қаватли уй-жой биносининг ҳар квадрат метри 1300 сўмгача арзон тушади.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий факторларидан бири қурилишда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштиришдир. Бу соҳада ҳам каттагина ютуқлар қўлга киритилди. Ҳозирги пайтда бажарилаётган бир миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларига республика қурилиш министрлигида 805 минг сўмлик, Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиш министрлигида 800 минг сўмлик машина тўғри келади. Бу машиналардан фойдаланиш кўрсаткичлари ҳам тобора ортиб бормоқда. Бинокорлик машиналари паркининг тобора кенгайиши ва энг яхши мукаммал машиналар билан тўлдириб борилиши ҳамда улардан унумли фойдаланиш асосий ишларни механизациялаштириш имкониятини яратди. Ҳозир қурилиш объектларидаги тупроқ ишларининг 90 процентдан кўпи механизмлар воситаси билан бажарилаётир.

Бинокорлик ишларини комплекс механизациялаштириш мамлакатимизда кенг қулоч ёзмоқда. Тошкентда сўнгги уч йилда тупроқ ишларини комплекс механизациялаштириш ҳажми 1,5-2 баравар кенгайди. Агар тупроқ ишларини қўл билан бажарганда ҳар бир ишчи сменада 2-3 кубометрдан оширолмаса, механизация воситалари билан бажарилганда бу кўрсаткич камида 10 ҳисса кўп бўлади.

Бироқ, шуни эътироф қилиш керакки, республика ва Тошкент шаҳридаги қурилиш ташкилотлари кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялаштириш тўғрисида етарлича қайғирмаётирлар. Бинокорликда айниқса юк ортиш ва юк туширишни каби ёрдамчи ишларнинг кўп қисми ҳали ҳам қўл кучи билан бажарилаётир. Бу меҳнат унумдорлигининг тез ўсишига жиддий гов бўлиб ётипти.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий факторларидан бири қурилишда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштиришдир. Бу соҳада ҳам каттагина ютуқлар қўлга киритилди. Ҳозирги пайтда бажарилаётган бир миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларига республика қурилиш министрлигида 805 минг сўмлик, Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиш министрлигида 800 минг сўмлик машина тўғри келади. Бу машиналардан фойдаланиш кўрсаткичлари ҳам тобора ортиб бормоқда. Бинокорлик машиналари паркининг тобора кенгайиши ва энг яхши мукаммал машиналар билан тўлдириб борилиши ҳамда улардан унумли фойдаланиш асосий ишларни механизациялаштириш имкониятини яратди. Ҳозир қурилиш объектларидаги тупроқ ишларининг 90 процентдан кўпи механизмлар воситаси билан бажарилаётир.

Бинокорлик ишларини комплекс механизациялаштириш мамлакатимизда кенг қулоч ёзмоқда. Тошкентда сўнгги уч йилда тупроқ ишларини комплекс механизациялаштириш ҳажми 1,5-2 баравар кенгайди. Агар тупроқ ишларини қўл билан бажарганда ҳар бир ишчи сменада 2-3 кубометрдан оширолмаса, механизация воситалари билан бажарилганда бу кўрсаткич камида 10 ҳисса кўп бўлади.

Бироқ, шуни эътироф қилиш керакки, республика ва Тошкент шаҳридаги қурилиш ташкилотлари кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялаштириш тўғрисида етарлича қайғирмаётирлар. Бинокорликда айниқса юк ортиш ва юк туширишни каби ёрдамчи ишларнинг кўп қисми ҳали ҳам қўл кучи билан бажарилаётир. Бу меҳнат унумдорлигининг тез ўсишига жиддий гов бўлиб ётипти.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг биринчи навбатда қўл кучи билан қилинадиган иш процесслари кўпроқ механизациялаштиришга боғлиқдир. Бу ўринда ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласи ҳам катта роль ўйнайди. Ишлаб чиқариш қанчалик пухта ташкил этилса, белгиланган ишни шунчалик оз ишчи кучи сарфлаб бажариш мумкин. Бироқ, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни рационал ташкил этишга кўп жойларда унча этибор берилмайди. Кўп ҳолларда бажариладиган иш проекти ўз вақтида тайёрлаб берилмайди, баъзан эса проектлар бўлади-ю, лекин у, талабга мувофиқ тузилмаганлиги сабабли ишни ташкил этишда амалий қўлланма бўла олмайди.

Чиланзор массивидаги уй-жой бинолари қурилишини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ердаги қурилишлар комплекс механизациялаш ва бинокорликка янги техникани жорий этиш планига кўра намунали метод асосида бажарилиши керак эди. Бироқ, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш проекти ўз вақтида тайёрлаб берилмаганлиги сабабли бинокорлик ишлари проектсиз бошлаб юборилди. Оқибатда бу ердаги қурилиш намунали участка бўла олмади. Бундай мисолларни бошқа кўпгина объектларда ҳам учратиш мумкин.

Қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш қурилиш ташкилотлари ёрдамчи хўжалик корхоналарида технологик процесслари механизациялаштиришга ҳам боғлиқдир. Шу пайтгача бу масалага унча этибор берилмай келаётир. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли темир-бетон ёпқичлари ишлаб чиқарувчи заводнинг арматура цехида арматурани қайта ишлаш, қирқиш, тўғрилаш, букиш ва сварка қилиш ишлари механизациялашган, аммо транспортировка операциялари қўл кучи билан бажарилади. Бу эса механизациялашган операциялар кўрсаткичининг ҳам пасайиб кетишига сабаб бўлаётир.

Проектчиларнинг энг муҳим ва шарафли вазифаси типовой проектларни кўплаб ишлаб чиқаришдан, бинокорларнинг вазифаси эса бу проектларни кенг қўлланишдан иборатдир. Чунки бинокорликда индустриал методларни қўлланишнинг ягона энг қулай йўли шудир. Проект ташкилотлари, жумладан, «Узгоспроект» институти типовой проектларни кўпайтириш соҳасида бирмунча ишлар қилди. Уй-жой ва граждан қурилишида типовой проектларни қўлланиш бирмунча яхшиланди. Бироқ ҳали саноат объектлари қурилишида типовой проектлар деярли қўлланилмаётир. Чунки бундай проектлар ҳали яратилгани ҳам йўқ. Бу соҳада 4-давлат махсус проектлаш институти, «Гипроцветмет» ва бошқа проект ташкилотлари типовой проектлар яратиш тўғрисида жиддий қайғирмаётирлар.

Мавжуд типовой проектларда қатор камчиликлар борлигини ҳам такидлаб ўтиш лозим. Булардан энг муҳими шуки, типовой деб аталган проектларда параметрлар ҳамда деталлар хили кўпайиб кетган ва элементлар унификацияланмаган. «Узгоспроект» томонидан ишлаб чиқарилган уй-жой ва жамоат объектлари проектида деразаларнинг 20-21 типда, эшикларнинг 32-43 типда, ёпқич плиталарнинг 10-12 типда бўлиши кўзда тутилади. Маълумки, бунчалик кўп типда қуриш индивидуал проектдан жуда кам фарқ қилади. Бу типларни максимал даражада камайтириш керак. Чунки конструкцияларни унификациялаш қурилишни индустрлаштириш проблемасини муваффақиятли ҳал қилиш йўлидаги асосий калитдир.

Қурилишга энг прогрессив ва рационал индустрлаштирилган конструкцияларни жорий этиш катта аҳамиятга эгадир. Шу пайтгача республикада зич арматураланган конструкциялар тайёрланмаётганлиги таассуфлидир. Ахир буни тайёрлаш учун зарур бўладиган ускуналар мавжудку? Бундай конструкцияларни қўлланиш одатдаги арматураланган конструкцияларга қараганда икки ҳисса арзонга тушадику!

Юпқа деворли конструкциялар ёпқич, зина, фундамент ва бошқа элементлар ўрнида жуда кам фойдаланилаётир. Енгил бетонлар қурилишда етарли даражада кенг қўлланилмаётир. Бу ишда биз бошқа республикалардан анча орқадамиз. Бизда газобетон ишлаб чиқариш шу пайтгача йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки газобетонни қўлланиш деворларнинг оғирлик ҳажмини анча енгиллаштиради.

Шунингдек, керамзитобетон ишлаб чиқариш ҳам шу пайтгача ташкил этилмаган. Ваҳоланки Тошкентда йилига 12 минг кубометр керамзит ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод ишлаб турибди.

Йирик блоклар ва йирик панелларни қўлланиш ҳам қониқарсиз аҳволда. Тошкент шаҳрида ҳалигача бундай блок ва панеллардан биронта ҳам бино қурилгани йўқ. Проектчи ва бинокорлар бундай индустриал конструкцияларни қўлланиш тўғрисида ўйламаётирлар. 1955 йили «Узгоспроект» институти йирик панеллардан қуриладиган 8 квартирали уй проектини тасдиқлади. Бундай проект асосида биринчи бинони «Главташкентстрой» тажриба сифатида қуриб кўриши керак эди. Афсуски бу қурилиш ҳали бошлангани ҳам йўқ.

Юқорида келтирилган фактлардан кўринib турибдики, республика ва Тошкент бинокорлари қурилиш ишларини индустрлаштириш, қурилишда меҳнат унумдорлигини кескин даражада ошириш соҳасида дастлабки ютуқларни қўлга киритган бўлсалар ҳам бу соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар жуда кўп. Бинокорларимизнинг ва бинокорлик саноати ходимларининг бурчи ана шу камчиликларни тезда бартараф этишдан иборатдир.

А. БОБОХОНОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги қурилиш ва архитектура ишлари бўйича Давлат комитетининг раиси.

Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахта тайёрлашни бўшаштирмайлик, кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ўтказайлик!

Ёғингарчилик бизни ғафлатда қолдирмасин, шошириб қўймасин ва орамизда саросима туғдирмасин. Бутун сушилка хўжалиги ва кўрак чувиш машиналари барвақт текшириб кўрилсин ва тахт қилиб қўйилсин, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам, пахта тез суръатлар билан йиғиб олинсин.

Бутун пахта ҳосилини тезроқ йиғиб олиш учун курашиш билан бир вақтда келгуси йил ҳосилининг ғамини ейиш лозим, — ғўзапоя ўз вақтида йиғиштириб олинсин, далалар тозалансин ва шудгорлансин. Шу нарсани эсда тутмоқ керакки, ерни ўз вақтида шудгорлаш — юқори ҳосил гаровидир.

(Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Олий Совети Президиумининг Мурожаатидан).

Мамлакатга 30.000 тонна пахта бердик

1956 йил — олтинчи беш йилликнинг дастлабки йили районимизда ҳар тарафлама муваффақиятли якунланмоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихий XX съезди қарорларидан бениҳоя илҳомланган районимиз меҳнаткашлари пахта ҳосилдорлигини ошириш йўлида йил бўйи ҳалол ва фидокорона меҳнат қилдилар. Ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариб, Ватанимизга 13490 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 23 центнердан, иккинчи сўз билан айтганда 30 минг тонна юқори сифатли пахта етказиб бердилар. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил бир йил ичида 4 центнерданга ошди. Бу йил ўтган йиллагига нисбатан давлатга 5 минг 800 тонна кўп пахта топширилди.

Пахтачиликда янги, прогрессив усулнинг, юқори агротехника қоидаларининг дадиллик билан кенг жорий қилиниши пахта ҳосилини оширишда муҳим роль ўйнади. Пахтачиликда янги прогрессив усулни кенг қўлланган Хрушчев номли колхоз пахта тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни 128 процент бажарди. Гектаридан олинган ҳосил ўтган йилгига нисбатан 11 центнерданга кўпайди. Каганович номли колхозга камқувватли ҳисобланган Тимирязев номли колхоздан 300 гектар ер қўшиб берилган эди. Пахтакорлар барча ички имкониятлардан, техника воситаларидан тўла ва унумли фойдаланиб, ана шу майдонларда ҳам юқори ҳосил етиштирдилар. Колхоз бўйича 1400 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 25 центнердан пахта топширилди.

Район партия комитети ва район ижроия комитети қолоқ колхозларни пахтачиликда бой тажрибага эга бўлган, малакали кадрлар билан мустаҳкамлашга, бу колхозларда деҳқончилик маданиятини кўтаришга, юқори агротехника фани ютуқларини ва илғорларнинг бой тажрибаларини кенг жорий қилишга алоҳида эътибор берди. Партиямиз чақириғи билан камқувватли колхозларга келган 30 мингчилар ўзларининг кўпйиллик партиявий ва хўжалик ишларида ортгирган бой тажрибаларини қолоқ колхозларнинг экономикасини кўтаришга сарф этдилар. Бу колхозларга МТСларнинг ёрдами кучайтирилди, ерларни сифатли шудгор қилишга, ўғитдашга, ғўза тупларининг нормал қалинлигини таъминлашга, ғўза парваришини белгиланган муддатларда олиб борилишига эътибор кучайтирилди. Район партия, совет ва комсомол активлари қолоқ колхозларга тез-тез бориб, уларга амалий ёрдам бердилар. Ана шулар натижасида бир неча йиллардан бери пахта тайёрлаш давлат планини бажара олмай келаётган Жамбул номли, Мичурин номли, Темирязев номли колхозлар бу йил социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажардилар ва ҳозир ҳам давлатга қўшимча пахта топ-ширишни қизғин давом эттирмоқдалар. Бу колхозларда ҳар гектар ердан олинган ҳосил бир йил ичида 13 центнердан 22 центнерга етди.

Бу йил районимиз колхозларида кўпгина юқори ҳосилли бригада ва звенолар етишиб чиққанлиги қувонарли бир ҳолдир. Вильямс номли колхознинг ўртоқ Кашифа Шокирова бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектаридан 35-40 центнердан пахта ҳосили йиғиб-териб олишга муваффақ бўлдилар. Районимиз бўйича 120 бригада, 519 звено пахта тайёрлаш юзасидан ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини муддатидан илгари ортиги билан бажарди.

Каганович номли колхознинг кекса пахтакори Ражаб ота Йўлдошев агротехниканинг янги усулларини кенг қўлланиб, бир йил ичида гектаридан олинган ҳосилни салкам 15 центнерданга оширди.

Бу йилги хўжалик ишларига якун ясар эканмиз, мавсумда 5-10-15 ва 20 минг килограммдан ошириб пахта терган чевар теримчиларимиздан чексиз миннатдор эканлигимизни яна бир марта изҳор этамиз. Машҳур теримчи ўртоқ Саодат Гулаҳмедова мавсум бошидан буён 30500 килограмм пахта териб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлди. Зулайҳо Маннонова, Турсуной Абдукаримова, Хувайда Ортиқова, Ҳолида Арслонқулова, Анор Ўразбоева каби теримчиларимизнинг ҳар бири мавсумда 15-20 минг килограммдан пахта териб бердилар.

Пахта терилмининг муваффақиятли ўтказилишида механик-ҳайдовчиларимизнинг қўшган ҳиссаси шубҳасиз каттадир. Қурол Бўроновнинг, Иван Дифренко, Эшбой Эрматов, Асроқул Эргашев каби механик-ҳайдовчиларнинг ҳарбири бу йил ўз агрегати билан 35-40 тоннадан пахта териб берди.

Район пахтакорлари социалистик мажбуриятларини ошириб бажарган шу кунларда ўзлари билан ёнма-ён туриб пахта терган, оғиримизни енгил қилган шаҳар меҳнаткашларидан миннатдор эканликларини самимий изҳор қилмоқдалар. Тошкент шаҳар Марказий райони, Олмалиқ шаҳар меҳнаткашлари бу йил пахта терими мавсумида умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшдилар.

Районда пахта ҳосили ошган сари колхозларнинг даромади ҳам ортиб бормоқда. Бу йил районимиз бўйича ўтган йилгига нисбатан 15 миллион сўм кўп даромад олдик, Илгари бир меҳнат кунига 1-2 сўмдан пул, 1 килограммдан ғалла тақсимланган баъзи камқувват колхозлар бу йил ҳар бир меҳнат кунига 8-10-15 сўмдан пул, 2,5-3 килограммдан ғалла тақсимлашни мўлжаллямоқдалар.

Районимиз меҳнаткашлари бу йил республикамиз бўйича уч миллион тонна пахта тайёрлашга муносиб ҳисса қўшишни ўзларининг муқаддас бурчлари деб биладилар. Ана шунга амал қилган пахтакорларимиз давлатга яна 1000 тонна пахта топшириш учун янги мажбурият олдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, район меҳнаткашлари бу йил ўтган йилгига нисбатан 24200 килограмм кўп пилла етказиб, давлат планини ошириб бажардилар. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича ҳам давлат мажбуриятлари муваффақиятли бажарилди.

Пахтакорларимиз шу кеча-кундузда об-ҳавонинг ҳар қандай шароитига қарамай, далада қолган ҳосилнинг сўнгги граммигача сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, шунингдек келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаш учун курашмоқдалар. Ҳозир район колхозларининг пахта далаларида 40 дан ортиқ ғўзапоя йиғиштирувчи тракторлар, 60 га яқин кўсак чувиш машиналари бетинам ишлаб турибди. Механизаторларнинг ғайрати билан ҳосили батамом йиғиштириб олинган 3500 гектар ер сифатли шудгордан чиқарилди.

Районимиз пахтакорлари ва механизаторлари партия ва ҳукуматимизнинг биз колхозчи-деҳқонлар ҳақида қилаётган оталарча ғамхўрлигига жавобан пахтачиликни йилдан-йилга ривожлантириш, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам бетинам тараққий эттириш учун бутун куч ва ички имкониятларни тўла сафарбар этадилар.

Э. ШАЙХОВ,
Бўка район партия комитетининг секретари.

Қолган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун

Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозининг аъзолари 993 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28,6 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олган эдилар. Улар ана шу мақсадни амалга ошириш учун курашиб шу кунгача ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 32 центнерданга етказдилар.

Колхозда зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятни ошириб бажарган звено ва бригадалар оз эмас. Ўзаро мусобақа илгори ўртоқ Бердибой Абдуллаев бошлиқ бригада аъзолари шу кунгача ҳар гектар пахта майдонидан она-Ватанга 40 центнердан, шу бригаданинг ўртоқ Фикри Мамедов бошлиқ звеноси 45 центнердан ҳосил топширдилар.

— Ҳали ҳосилнинг анчагина кисми далада, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Абдуллаев, — бизнинг вазифамиз—ганимат кунлардан унумли фойдаланиб, қолган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва давлатга қўшимча равишда гектаридан 2-3 центнердан ҳосил топширишдан иборат.

Ҳозир бригада аъзолари ана шу мақсадда пахта далаларида ғайрат билан ишламоқдалар. Ўз аҳдларининг уддасидан чиқиш учун курашаётирлар.

М. САГИРОВ.

Илғор бригада

Ўртоқ Ўразали Бердиев 2-«Далварзин» совхозининг илғор бригада бошлиқларидан бири ҳисобланади. У бошлиқ бригада ишчилари ҳар йили ҳам пахтадан юқори ҳосил олиб, ўзаро социалистик мусобақада ғолиб чиқмоқдалар.

Бу йил бригаданинг 75 гектар пахта майдонидан мўл ҳосил етиштирилди. Ишчилар ўртасида ана шу ҳосилни сирасидан ишлатмай, ўз вақтида йиғиб-терилмай, ишлатилганлиги учун кураш кучайтирилди. Ишчилар ўртасида меҳнатсеварлик ва ишкомлик этилганлиги, ишчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида, ҳосилнинг ҳар бир гектаридан мустаҳкамланганлиги натижасида ишчиларнинг ҳар бирининг ишлаган даласидаги ҳосил уюшқоқлик билан олинди. Бригада ишчиларининг ҳар гектар пахта майдонидан 45 центнердан ҳосил топшириш учун муваффақ бўлдилар.

Ё. ҲАСАНОВ.



Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхознинг ўртоқ Ё. Қодиров бошлиқ бригада аъзолари давлатга ҳар гектаридан 51 центнердан пахта топшириб, зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Р. Эгамбердиев бригада бошлиғини бу муваффақият билан табриклади. **Суратда:** (чапдан) колхоз правлениесининг раиси **Р. Эгамбердиев**, ҳосилот советининг раиси **А. Шарипов**, бригада бошлиғи **Ё. Қодиров**, бошланғич партия ташкилотининг секретари **Т. Усмонов** ўтоқлар. **В. Салов** фотоси.

Пахтачиликдан юқори даромад олмоқдалар

ЯНГИЙЎЛ, (ЎзТАГ). Янгийўл районидаги Сталин номли қишлоқ хўжалик артелининг аъзолари юқори пахта ҳосили учун курашда катта муваффақиятларга эришдилар. Улар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. 1164 гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнердан, яъни ўтган йилдагига нисбатан 5 центнердан кўп пахта олдилар. Терилган пахтанинг деярли ҳаммасини тайёрлаш пункти биринчи сортга қабул қилди. Колхозчилар мавсум охиригача ҳар гектар ердан яна бир центнердан «оқ олтин» териб топширишга қарор қилдилар.

Дастлабки ҳисоботларга қараганда, колхознинг фақат пахтачиликдан оладиган пул даромади бу йил 4 миллион сўмга кўпаяди ва 12,5 миллион сўмни ташкил қилади. Шу муносабат билан меҳнат кунининг қиммати ҳам кескин равишда ошади. Ўтган йили қишлоқ хўжалик артелининг аъзолари ҳар бир меҳнат кунига 11 сўмдан пул ва икки килограммдан ғалла олган бўлсалар, ҳозир эса ҳар меҳнат кунига ўрта ҳисобда камида 20 сўмдан пул ва уч килограммдан ғалла оладилар. Айрим бригадаларда пахтакорларнинг меҳнатига бундан ҳам кўпроқ ҳақ тўланади. Масалан, И. Исмоилов бошчилик қилаётган бешинчи бригадада колхозчилар ишлаган ҳар бир меҳнат кунларига қарийб 26 сўмдан пул оладилар. Бригада бунга ўзига ажратилган участканинг ҳар гектаридан 38 центнердан пахта териб топширгани, пахта етказиб бериш бўйича топшириқни қарийб 40 процент ошириб бажарганлиги натижасида эришди.

Қишлоқ хўжалик артели аъзоларининг бу йилги даромадлари нақадар юқори эканлигини қуйидаги фактдан ҳам кўриш мумкин. Пахтачиликда банд бўлган ҳар бир колхозчига ҳозиргача ўрта ҳисоб билан 600 меҳнат куни ёзилган. Юздан ортиқ илғор колхозчиларнинг ҳар бири камида минг меҳнат куни ишлади. Булар орасида мавсум давомида 9 тоннадан ортиқ биринчи сорт пахта терган Бўри Қурбонбоева, Тўхта Шамиева, Нурмина Искандарова, Р. Рихсиева ва бошқалар бор.

Колхозчилар бу ютуқларга илғор агротехникани кенг қўлланиши ва пахта етиштиришни механизациялаш натижасида эришдилар.

Мажбурият ортиғи билан бажарилди

Молотов номли колхоз илгари Оқкўрғон районидаги камқувватли қишлоқ хўжалик артелларидан бири ҳисобланарди. Колхоз аъзолари бу йил пахта ҳосилини кескин ошириш мақсадида кўклам экиш кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказдилар. Ҳар гектар ерда ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишини таъминладилар. Асосий майдонлардаги ғўзалар икки томонлама парвариш қилинди.

Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти барча куч ва ички имкониятларни пахта йиғим-теримини кучайтириб юбориш учун сафарбар этди. Кўпмингчилар ҳаракати авж олдирилди. Социалистик мусобақа байроғи баланд кўтарилди.

Колхоз аъзолари ғайрат билан ишлаб, шу кунгача давлатга гектаридан 24,3 центнердан пахта топширишга, гектаридан олинадиган ҳосилни ўтган йилдагига нисбатан 9 процент оширишга эришдилар.

Социалистик мусобақа илғорлари А. Набиев, А. Туронов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари гектаридан олинган ҳосилни 32-36 центнерданга етказдилар.

Колхоз аъзолари шу кунларда далада қолган ҳосилнинг сўнгги граммигача йиғиб-териб олиш, давлатга яна 2,5 центнердан пахта топшириш учун курашмоқдалар.

Турсунбой, қойил қилдинг ука...

(ОЧЕРК)

Кечаги совуқдан кейин ҳосили қинига сиғмай, семириб турган ғуж-ғуж кўсаклар тарс-тарс ёрилиб кетди. Уч-тўрт кун киши ораламаган карталарда пахталар бодроқдай патирлаб очилиб кетди. Бугун Музаффар отанинг розилиги билан қўшни бригадаларни шатакка олгани кетишган Турсунбой ҳам, Ҳалима ҳам ўз бригадасига — мана шу қадрдон далалари бағрига қайтиб келишди. Кенг пахтазор қўйнида яна аввалгидай қизғин меҳнат, жўшқин ҳаёт мавж урди, дилларни қитиқловчи яллалар янгради.

Соч-соқоли кумушдек, аммо ҳали қирчиллама йигитлардай қоматини ғоз тутган Музаффар ота хирмондан хабар олиб қайтар экан, унинг кўзи дастлаб ёнма-ён туриб пахта тераётган икки мусобақадошга тушдию, оталик меҳри тўлқинланиб, кўнгли тоғдай кўтарилди. Ахир, бригадир бир мақсад учун, бригаданинг ободи учун курашаётган мана шу коллективнинг ҳар бир аъзосини ўз фарзандлари қаторида кўради-да! Улардан қайси бири бир пас кўринмай қолгудай бўлса, дарров ўрни билинади. Шундай экан у, Турсунбой билан Ҳалимани бригаданинг азамат йигити билан лобар қизини беш-олти кундан бери кўрмагани учун орзиқиб соғинган эди!

Музаффар ота чиндан ҳам катта, аҳил коллективнинг отахонидир. У, бу коллективга ўнсаккиз йилдан бери бошчилик қилиб келади. Коллектив ҳам мана шу ўнсаккиз йил ичида бирон марта отанинг нуроний юзини ерга қаратган эмас, ҳамиша илан юз. Қаттадан-кичик Музаффар отани ҳурмат билан «дада» деб чақиришади, унинг дада номини олишининг боиси ҳам ана шунда...

— Қайтдик дада, вазифани бажариб келдик, — Турсунбой салом алиқдан сўнг отага хуш хабарни билдирди, — Ҳалима иккковимиз тўрт тоннадан ошириб кўрак тердик.

— Балли азаматлар, — йигит ва қизнинг хизматини тақдирлаб деди ота, — бу ҳам колхозимизнинг, қолаберса бригадамизнинг обрўси. Мана энди қўшнимиз ҳам биз каби ваъдаларини дўндирганларида, аъзолари: «бундай ютуққа эришишимизда Ҳалима билан Турсунбойнинг улуши бор» деб номларингни яхшилик билан тилга олиб юришади.

— Дада, — Турсунбой ҳовучи тўла пахтани этагига солар экан, бироз ўйланқираб бригадирга деди, — эрталаб келаётганимда Одил акани кўрган эдим. «Кечқурун идорага келгин» дедилар, яна бир гап борми?

— Қандай гап бўларди, ўғлим,— ота шу сўзни айтди-ю, ўтган йили Турсунбой билан раиснинг орасида бўлиб ўтган воқиани эслади, сўнг, — майли бир бориб кўрчи, нимага экан, — деди.

Ота шу ердагиларга кечқурун умумий мажлис борлигини айтиб, нариги пайкалга — Турсунбой билан Ҳалиманинг шогирдлари: Турсуной, Асолат, Комилаларнинг ёнига йўл олганида Турсунбой эркин нафас олди, чеҳраси ёришиб кетди. Энди у раиснинг бошқа ишга эмас, мажлисга чақирганлигини пайқаб олган эди.

— Шундай қилиб, ўтган йилги воқиа эсингизга тушиб кетган эканда Турсунбой ака, — деди отанинг ҳалиги «Бир бориб кўрчи, нима гап ўзи» деб айтган сўзларидан шундай хулосага келган Ҳалима кулиб, — Чамамда жуда наша қилган чоғи!

— Албатта-да, синглим, — бармоқлари чаноқларга тез-тез бориб келаётган Турсунбой жавоб бера бошлади, — мана ўзинг ўйлаб кўр, ўн йилдан бери мусобақалашиб пахта теряпмиз. Қани айтчи, бирон йил сендан орқада қолганим борми? Йўқ. Фақат бултур иш лойқади. Мени пахтазорнинг бағридан олиб чиқиб кетишди, жўжани санайдиган вақтда қарабсанки, сеники 14, меники 13. Наша қилар эканда синглим, йўқ, сен ундай деб ўйлама, кўп терганингга ҳасат қилмайман, хурсанд бўламан, лекин мени ҳам сен билан баробар қўйиб қўйишсинда! — Турсунбой бу сўзларни юракдан-куюниб айтди, кейин оппоқ олтин билан лиқ тўлган этагини қанорга бўшатиш учун эгат бошига йўл олди.

Ҳалима Турсунбойнинг сўзларининг магзини чақиб, ўзича унинг фикрини маъқуллар экан, қизларнинг овози эшитилди:

— Ҳалима опа, иккинчи этагимни бу!

— Учинчиси!

— Оббо Турсунбой акам-э, машина бўлиб кетадилар-а, машина!

Турсунбой қайтиб теримга тушгандан кейин, биров билан ортиқча гаплашмади, қўллари чаноқларда-ю, ҳаёли аллақаёқларда...

«Ҳамма айб Давул акада бўлган, — ўйларди у, — нега бултур йиғим-терим қизғин кезлари менга аравани рўбарў қилиб, отнинг жиловини тутқазиб қўйди, ахир колхозда мендан бўлак аравакаш йўқмиди, раиса ҳам ялиндим, парткомга ҳам. Улар ҳам ўша бригадирнинг ёнини олишди-я, «бошлиғинг нимани буюрса, шуни қилгин» дейишди, ахир пахта териш менинг севган, ўн йиллик касбимку. Мана энди, ҳали-ҳали тенгқурларим «мусобақада қиз болага ютқазгансан» деб таъна қилиб юришади.

Турсунбой бу йил мавсумда илғор теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг область кенгашида қатнашган. Ана шунда минбарга чиқиб, «Ўртоқлар, бу йил ўтган йилги хатони такрорланмайди, мен пахта теришга ташна эмаман, пахтазор бағрида танаффуссиз ишлайман, дилим қувонади, бу йилги ваъдам 20 тонна, агар колхозимиз раҳбарлари мени бошқа ишга мажбур қилмасалар, аҳдимни уддасидан чиқишимга ишонаверинглар» деб айтган сўзларини, йиғилганлар қарсак чалиб, унинг фикрини маъқуллаганини бир-бир кўз ўнгидан ўтказди. Кейин икки қоши ўртасида пайдо бўлган тугунчалари йўқолиб, чеҳраси ёришиб кетди, лаблари беихтиёр «сўзсиз бажараман» деб пичирлади...

Бу йил эрта баҳорда колхоз правлениеси Турсунбойнинг «Мен Музаффар ота бригадасида ишласам, чунки ҳовлимиз шу бригадага яқин. Агар шундай қилинса теримда вақтдан ютган бўлар эдим» деб ёзган аризасини маъқул топди. У, Музаффар ота бригадасига звено бошлиғи этиб тайинланди. Турсунбойнинг звеноси янги прогрессив усулни, юқори агротехника қоидаларини кенг қўлланиб, ғўзалари 45х45 схемасида парвариш қилинган карталарида мўл ҳосил етиштирди. Пахта йиғим-терими бошланганда дастлаб Турсунбойнинг ўзи белига этак боғлади. Чигит униб чиққандан бошлаб, бригаданинг барча майдонлардаги ғўзаларига ҳаёт суви берган, уйқусиз тунларини мўл ҳосил тақдири учун бағишлаган мана шу азамат йигит, энди, теримда ҳам «менман» деган чеварлар билан беллашишга тайёр эди!

— Қани Ҳалима, пахта теришдаги ҳамма санъатингни ишга сол синглим, мусобақамиз давом этсин. Илгари бошқа-бошқа бригадаларда эдик, энди ёнма-ён туриб, бирбиримизнинг ютуқ, камчилигимиздан хабардор бўлиб терамиз, — деди шунда Турсунбой қайнаб, теримга шай бўлиб турган мусобақадошига. Уни денгиздай чайқалиб турган кўмкўк дала — чамандек очилган лўппи пахталар чақирарди.

— Биламан Турсунбой ака, — Ҳалима бўш келмасликка тиришиб жавоб берди, — теримнинг пирисиз, ғайратингиз зўр, лекин Ҳалимани ҳам бўш келадиганлардан деб ўйламанг, беллашаверамиз. Ваъдангиз 20 бўлса, дадамиз биздан ҳам йигирмани олаберсинлар!

Музаффар ота Ҳалимани ҳам, Турсунбойнинг ҳам елкасига қоқиб деди:

— Ҳаракатдан баракат, болаларим. Ҳаммаси ғайратга боғлиқ. Хирмонимиз тоғ бўлсин; қани бошладик!..

Ўша кундан бери ҳафталар кетидан ҳафталар қувиб ўтабошлади. Қўйдан анча илгари эгат оралаб, кўёшдан анча кейин уйга қайтишга одатланган ҳар иккала мусобақадошнинг терим сўръати кундан-кунга ошиб борди. Фақат бригадагина эмас, колхознинг каттаданкичиги икки чевар теримчининг мусобақаси натижаларини эшитишга қизиқиб қолишди.

Колхоз идораси олдидаги «Ҳурмат тахтаси»нинг тепасида гоҳ Ҳалиманинг, гоҳ Турсунбойнинг номи биринчи бўлиб кўзга ташланарди. Кишилар улар тўғрисида сўзлашганларида «Икковини ҳам бири-биридан камситиб бўлмайди, иккови ҳам азамат, сўзидан қайтмайдиганлардан» дейишарди. Турсунбойнинг ўтган йилги бригадири Давул ака бўлса Турсунбойнинг номи рўпарасида кундан-кунга ошиб бораётган рақамларни кўриб, қойил қоларди, тўғрироғи ўтган йили қилган ишига, Турсунбойни қўлдан чиқариб юборганига афсусланарди. «Наҳотки, колхоз бўйича биттаю-битта йигит отилиб чиқиб, ҳар йили 10-15 тоннадан пахта тераётган бўлсаю, уни қўллаб-қувватлаш ўрнига кўнглини ранжитган бўлсам» деб ўйларди. У «Пахта теришни қизларга чиқарган, сен аравангни мин» деган сўзларини эслаб, ўз-ўзидан ялларди...

...Бугун қуёш ётогига бош қўйиши билан хирмон гавжумлашди. Йиғилганлар Турсунбой билан Ҳалиманинг бугунги ишлари натижасини тезроқ эшитишга ошиқарди. «Ҳалиманики 125 килограмм» бўлганда Турсунбой пахта шиббаланган қанорни тарозуга қўйди.

— Буниси билан 148 килограмм, — эшиттирди табелчи.

— Яна Турсунбойда улоқ кетипти, — қизларнинг жаранглаган овозлари кенг далани тўлдириб юборди. Ҳалима эса ўз мусобақадошига ҳурмат ва самимият билан тикилди:

— Ғолиб чиқдингиз, Турсунбой ака! — деди у.

...Соат 8 ларда бошланган умумий мажлис узоққа чўзилмади. Ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажарган Музаффар ота Азизов, у билан мусобақадош еттинчи ва ўнинчи бригада аъзоларининг намунали ишлари тақдирланди. Қолган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиб, колхоз бўйича олинган мажбуриятни тезроқ бажариш тадбирлари кўрилди. Кейин теримчиларга мукофот бериладиган бўлди. Йиғилганлар кимлар мукофотга сазовор бўлганлигини билишга ошиқарди.

— Ҳалима Асқарова, — деди парторг Турсунали Азимов, — мавсумда 15 минг 700 килограмм пахта терди. Отасига раҳмат шу қизни, бир кийимлик бахмал билан мукофотлансин. — Йиғилганлар Ҳалимани табриклаб қарсак чалишди, ҳамма томондан «Қандиди урсин азамат» деган овозлар эшитилди.

— Қани теримчи йигитимиз Турсунбой — яна бир марта қўлингни қисиб қўяй ука, — чақирди раис Одил ака Эрматов.

Турсунбой ўрнидан қўзғалар экан, ҳалиги қарсак овозлари яна авжига чиқди.

— Турсунбой Ғозиев, — деди раис теримчи йигитни табриклар экан, мавсумда 16 минг килограмм пахта терди. Очиқ айтаберамаи, қизларимиз ҳам Турсунбойдан ўтмак олишсин. Ўтган йили биз Давул аканинг сўзига кириб, хато қилган эканмиз. Турсунбойдек теримчи, юрагида ўти бор йигитдар сенини кўпайтириш керак, — раис Турсунбойнинг қўлига бахмал тутқазди, — ҳамир учидан патир ука, ҳали сенга берадиган бошқа мукофотимиз турипти...

Турсунбойнинг ёноқлари шодлик ва ҳаяжондан қизарди. Кўзларида ҳалол меҳнат орқасидан келган ғолиб барқ урди:

— Ўртоқлар, — деди ниҳоят у, — ҳали даламизда ҳосил мўл, Ҳалима ҳам, мен ҳам 20 тоннадан кам бўлмайди, деб аҳд қилганмизми, кам бўлмайди!

Турсунбой ўз тенгқурлари ёнига борар экан, уни Давул ака бир нафас тўхтатди:

— Қойил қилдинг ука, сен ҳақ экансан, — деди, у.

...Сутдай ойдин кеча. Ҳалима билан Турсунбой уйга қайтар эдилар.

— Келин ойимнинг соғлиги яхшими? Укаларим катта бўлиб юришяптими? — сўради йўлда Ҳалима.

— Раҳмат синглим, анча яхши бўлиб қолди, — жавоб берди Турсунбой, — тунов кунги мукофотга олган товаримни олиб келганимда келинойингни кўнгли тоғдай кўтарилди. Тўғри, кийимлари ўзига етарли, лекин мукофотга олиб келганинг бошқачароқ туюлар экан. Мана, бугун бахмал, укаларинг билан келинойингга костюм тиктираман.

— Жуда яхши, бўлмаса келинойим иккаламиз бирхилда тиктирамиз...

Турсунбой ўз синглисидай кўриб қолган мусобақадошини ҳовлисига эстиб қўйиб, ўз уйига кирганида меҳрибон хотини, 72 ёшли отаси Ғозиева ака, 60 ёшли онаси Барчин хола кутиб олишди. Эркатойлар ухлаб қолган эди.

Ота билан она ўз фарзандининг ҳалол меҳнат қилиб топаётган шуҳратидан фахрланишар, ёстиқдошни бўлса эрининг меҳнатда пишган бақувват қўлларини сиқиб, табриклар эди.

Усмон ЖОНГИТОВ.
Октябрь район, Андреев номли колхоз.

БМТ Бош Ассамблеясининг XI сессияси

НЬЮ-ЙОРК, 23 ноябрь. (ТАСС). Кеча кундузги ялпи мажлисда умумий дискуссия давом этди.

Совет делегациясининг бошлиғи Д. Т. Шепилов нутқ сўзлаб бўлганидан кейин, АҚШ делегати Лодж шу нутқ тўғрисида фикр билдирмоқ учун сўзга чиқди. У Совет Иттифоқи вакилининг бошқа давлатлар территориясида чет эл қўшинларининг бўлиши, давлатларнинг ўз миллий чегараларидан ташқарида ҳарбий базалар қурганликлари тўғрисидаги гапларидан норози бўлганлигини айтди. Лодж Қўшма Штатлардан анча узоқ масофаларда бўлган бошқа мамлакатларнинг территорияларида кўпгина америка ҳарбий базалари бўлганлигини оқлашга интилди.

Лодж Совет ҳукуматининг аэрофотосъемкаларни Европанинг кенг районида ўтказиш масаласини кўриб чиқишга тайёр эканлиги ҳақида билдирган фикрини табриклади. «Совет Иттифоқи, — деди у, — ҳарбий иншоотларни аэрофотосъемка қилиш фойдали бўлиш мумкинлигини эътироф қилганлигидан мамнунмиз... Бу идеянинг эътироф қилинганлигини кўрсатувчи мана шу далилни чин кўнгилдан табриклайман». Лекин Лодж шошмашошарлик билан илова қилиб айтдики, менинг фикримча, совет баёнотининг бу қисми етарлик даражада кенг мақсадни кўзламайди ва шу сабабли менга ёқмай турибди.

Сўнгра Лодж Америка қуролли кучлари Хитой территориясининг бир қисми бўлган Тайвань оролини оккупация қилиб турганлиги тўғрисида Совет Иттифоқи вакилининг эслатиб ўтганлигига қарши эътироз билдирди.

Австрия делегати ташқи ишлар министри Фигль, Австрия билан давлат шартномасининг имзоланганлиги «буюк давлатларнинг икки блоки ўртасидаги кескинликнинг юмшаганлигини кўрсатувчи белги бўлган эди», деди. Фигль ўз мамлакатининг бетарафлиги тўғрисида кўп гапириб, «Австриянинг бетарафлиги тўғрисидаги концепция идеологик мажбуриятларни ўз ичига олмайди», деди.

Австрия министри Венгрияда яқинда бўлиб ўтган воқиаларда ўз мамлакатининг бетарафликка ёпишмайдиган роль ўйнаганлиги тўғрисида тарқалган жуда кўп хабарларни рад қилишга уринмоқ учун бетарафлик тўғрисида шу қадар кўп гап сотди. Фигль, Венгрияга қурол ва контерреволюцион элементларни юбормоқ учун Австрия территориясидан фойдаланилганлигини инкор қилди.

Шундан кейин Цейлон бош министри ва ташқи ишлар министри Бандаранаике ва Либерия вакили Купер нутқ сўзладилар.

Камбоджа вакили Нонг Кимни давлатлар ўртасида тутиладиган англашилмовчиликларнинг ҳаммасини тинч йўл билан ҳал қилишга чақирди. У, социал системалари турлича бўлган давлатлар ўз муносабатларини тинч-тотув яшаш принциплари асосига қуришлари лозим, деди.

Иордания вакили Рифои Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши ҳарбий ҳаракатларини «силлиқ ривожланиб бораётган» бўлса ҳам, ҳал этилмаган проблемалар, шу жумладан иқтисодий проблемалар, шунингдек «француз қўшинларининг катта-катта қисмлари мустақил ва суверен давлатда турганлигидан келиб чиқаётган проблемалар ҳали ҳам бор. Бу қўшинларнинг туриши энди сира матлуб эмасдир» деди у.

Умумий дискуссияда Филиппин вакили ҳам сўзга чиқди.

НЬЮ-ЙОРК, 24 ноябрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг кечаги эрталабки ялпи мажлисида Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши қилган агрессияси муносабати билан Яқин Шарқдаги аҳвол масаласини яна муҳокама қилиш бошланди.

Биринчи бўлиб Судан делегати Махжуб сўзга чиқди. У, менинг ҳукуматим Англия-Франциянинг Мисрга қарши агрессияси муносабати билан Яқин Шарқдаги аҳвол масаласини яна муҳокама қилиш бошланди.

Биринчи бўлиб Судан делегати Махжуб сўзга чиқди. У, менинг ҳукуматим Англия-Франциянинг Мисрга қарши агрессияси ва Исроилнинг Мисрга қарши қилган агрессияси муносабати билан Яқин Шарқдаги аҳвол масаласини яна муҳокама қилиш бошланди.

Марокаш делегациясининг бошлиғи, ташқи ишлар министри Аҳмад Балафраж мускаҳлакачилик проблемасига асосий эътиборни берди.

Марокаш ташқи ишлар министри Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши агрессиясини қаттиқ қаралади. Биз, деди Балафраж, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Миср территориясидан чет эл қўшинларини тезлик билан чиқартириб юборади ва агрессияга хотима беради, деб умид қиламиз.

Тунис делегати Хабиб Бургиба мустамлакачиликни ва миллий озодлик ҳаракатининг бостирилаётганлигини қоралади. Бутун маданий дунё, деди у, — «ҳозирги вақтда Жазоирда олиб борилаётган ноҳақ урушни қоралямоқда».

Бургиба, гарчи Франциянинг Тунис билан муносабатлари «силлиқ ривожланиб бораётган» бўлса ҳам, ҳал этилмаган проблемалар, шу жумладан иқтисодий проблемалар, шунингдек «француз қўшинларининг катта-катта қисмлари мустақил ва суверен давлатда турганлигидан келиб чиқаётган проблемалар ҳали ҳам бор. Бу қўшинларнинг туриши энди сира матлуб эмасдир» деди у.

Умумий дискуссияда Филиппин вакили ҳам сўзга чиқди.

НЬЮ-ЙОРК, 24 ноябрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг кечаги эрталабки ялпи мажлисида Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши қилган